

## Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 810-ҳадис

810 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: بَيْنَمَا رَجُلٌ يُصَلِّي مُسْبِلٌ إِزَارَهُ قَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «اذْهَبْ فَتَوَضَّأْ» فَذَهَبَ فَتَوَضَّأَ ثُمَّ جَاءَ، فَقَالَ: «اذْهَبْ فَتَوَضَّأْ» فَقَالَ لَهُ رَجُلٌ: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ مَالِكُ أَمْرَتَهُ أَنْ يَتَوَضَّأْ ثُمَّ سَكَّتَ عَنْهُ؟ قَالَ: «إِنَّهُ كَانَ يُصَلِّي وَهُوَ مُسْبِلٌ إِزَارَهُ، إِنَّ اللَّهَ لَا يُفْبِلُ صَلَاتَةَ رَجُلٍ مُسْبِلٍ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدْ بِإِسْنَادٍ صَحِيحٍ عَلَى شَرْطِ مُسْلِمٍ [638].

810. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бир киши изорини (тўпифидан пастгача) осилтириб намоз ўқиётган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: **«Бор, таҳорат қилиб кел»**, дедилар. У бориб, таҳорат қилиб келган эди, у зот яна: **«Бор, таҳорат қилиб кел»**, дедилар. Шунда бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули! Сизга нима бўлди, уни таҳорат қилишга буюрдингиз, кейин эса индамадингиз?» деди. У зот: **«У изорини (тўпифидан пастгача) осилтириб намоз ўқиётган эди. Аллоҳ изорини (тўпифидан пастгача) осилтириб олган кишининг намозини қабул қилмайди»**, дедилар».

Абу Довуд саҳиҳ исноғ билан ривоят қилиб, имом Муслиминг шартига биноан саҳиҳдир, дедилар.

**Шарҳ:** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига иштонини осилтириб оттирган гуноҳига, каффорот бўлиши учун, таҳоратини янгилаб келишни буюрдилар. Чунки ҳадисларда келишича таҳорат гуноҳларга каффоратдир.

«Изор» иссиқ ўлкаларга хос кийим бўлиб, тананинг киндигидан паст томонига тутилиб олинадиган узун матодан иборат бўлади. Изорни судраб юриш ҳам арабларда кибру ҳавонинг бир тури бўлган.

Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам изорини осилтириб, ерга судраб намоз ўқиётган бир одамни кўриб қоладилар. Шунда унга «бор, таҳорат қилиб кел», дейдилар. У бориб таҳорат қилиб келади. Кейин яна унга, бор, таҳорат қилиб кел, дейдилар. У яна бориб таҳорат қилиб келади. Ана шунда бир одам:

«Эй Аллоҳнинг Расули, уни таҳорат қилиб келишга икки марта амр қилдингиз?» дейди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шунда шу ҳадисни марҳамат қилганлар.

Демак, намозхон одам фахр, кибру ҳаво ила кийимини осилтирмаслиги ва шунга ўхшаш бошқа ишларни қилмаслиги керак. Аксинча, ўзини хокисор тутган ҳолда намоз ўқиши лозим.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

